

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/05.06.2020. Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

АБЛАКУЛОВА ШОХСАНАМ ДАВРОНОВНА

**ГЕНЕТИК ТЕКШИРУВ УСУЛЛАРИ ЁРДАМИДА ОДАТИЙ ҲОМИЛА
ТУШИШИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Аблакулова Шохсанам Давроновна

Генетик текширув усуллари ёрдамида одатий хомила тушиши профилактикасини такомиллаштириш3

Аблакулова Шохсанам Давроновна

Совершенствование методов профилактики репродуктивных потерь с использованием генетических методов исследования.....31

Ablakulova Shokhsanam Davronovna

Improving the prevention of conventional miscarriage using genetic testing methods.....57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....60

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/05.06.2020. Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

АБЛАКУЛОВА ШОХСАНАМ ДАВРОНОВНА

**ГЕНЕТИК ТЕКШИРУВ УСУЛЛАРИ ЁРДАМИДА ОДАТИЙ ҲОМИЛА
ТУШИШИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича одатий ҳомила тушиши аёллар орасида энг кенг тарқалган акушерлик патологияларидан бири бўлиб, сўнгги йилларда бажарилаётган кўп сонли илмий-тадқиқотлар ушбу патологиянинг олдини олиш, репродуктив йўқотишларни ривожланиши учун юқори хавф гуруҳларини аниқлашга бағишланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра одатий ҳомила тушиши кўрсаткичи ривожланган мамлакатларда барча ҳомиладорликларнинг 15% ни, ривожланаётган мамлакатларда эса 20–25% ни ташкил қилади¹. Одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларда генетик полиморфизмларни тарқалиш фоизини ўрганиш асосида, репродуктив қайта йўқотишларни олдини олиш мақсадида предгравидар тайёрлаш тамойилларини такомиллаштириш бугунги кунда ечими топилиши талаб этиладиган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида одатий ҳомила тушишининг келиб чиқиш сабаблари, кечиши ва даволаш тактикаси натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, репродуктив ёшдаги аёллар орасида одатий ҳомила тушиши ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш, ҳомиладорларда одатий ҳомила тушиши билан асоратланиш ҳолатларини эрта ва аниқ ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш; одатий ҳомила тушиши ривожланишида генлар полиморфизмининг тарқалиш фоизини аниқлаш; одатий ҳомила тушиши билан асоратланган ҳомиладорлар орасида ногиронлик ҳамда ўлим ҳолатларини камайтириш борасида чора-тадбирларнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни янги даражага кўтариш борасида мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар ўлиминини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Бу борада, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, одатий ҳомила тушиши келтириб

¹Gotsiridze K.E., Kintraya N.P. Diagnostic significance of assessing peripheral natural killer cells in women with recurrent pregnancy loss. *Obstetrics, Gynecology and Reproduction*. 2021;15(1):61-69. (In Russ.) <https://doi.org/10.17749/2313-7347/ob.gyn.rep.2021.200>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

чиқарувчи омилларни ташхислашда молекуляр генетик тадқиқот усулларидан фойдаланиш ва даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий-тадқиқотлардан олинган натижалар, одатий ҳомила тушишида генетик полиморфизмларнинг ролини очиқ берди. Она ва ҳомилада 936 СТ ёки 936 ТТ генотипнинг бўлганда ва VEGF -А генининг 936 С>Т полиморфизми, биринчи триместрда ривожланмаган ҳомиладорликка олиб келиши аниқланди (Демченко Н. С., Башмакова Н. В., 2018; Ю.П. Вдовиченко Н.А. Фирсова., 2019; Vidyadhari M., Sujatha M., 2019). Замонавий қарашларга кўра, GPIIIa генида PLAII аллелининг мавжудлиги ҳомиладорликни эрта йўқотиш учун хавф туғдиради, PLAII аллели ташувчиларида ҳомиладорлик 5 ҳафталикгача бориб ўсишдан тўхтаб қолади ва анэмбрионияни ҳосил қилади, GPIIIa генида PLA I аллели ташувчиларида эса эмбрион ўлими кўпинча 6-9 ҳафталик ҳомиладорликда учрайди (Буштырева И.О., 2016; Hyde K.J., 2018; Parand A, Zolghadri J., 2020).

Замонавий тадқиқотлар натижасида одатий ҳомила тушишининг асосий сабабларидан бири сифатида, эстрогенларнинг синтези ва метаболизмида иштирок этган ферментларни кодловчи генларда полиморфизм мавжудлиги аниқланди (Ихтиярова Г.А., 2019.) Маълумки, P450 цитохроми томонидан амалга оширилган эстроген парчаланишининг ферментатив тизими гормонал мувозанатни сақлашда муҳим рол ўйнайди (Artyuk N.V., 2019; Гуляева Л.Ф., Кушлинский Н.Е., 2018). Сўнги йилларда бу жараёнда CYP1A1, CYP1A2 каби генларнинг роли исботланган бўлиб, эстрогенларни оксидлаб, метаболизмнинг II- босқичи учун субстратлар ҳосил қилади (Данилова Л.Н., Червов В.О., 2018; Shi X., Xie X., 2017). Гормон метаболитларини кейинги инактивацияси метаболизмнинг II-босқичи ферментлари ёрдамида, яъни ксенобиотиклар ёрдамида амалга оширилади, шу жумладан сульфотрансфераза (SULT1A1) ҳам иштирок этади (Li J., Chen Y., 2017;

Koutsothanassis Ch A., 2016). Эстроген метаболизми ферментларини кодловчи генларнинг полиморфик вариантлари репродуктив йўқотишлар хавфини ошириши мумкин. Хавф гуруҳларида ДНКнинг бундай вариантларини аниқлаш касалликни эрта ташхислаш ва профилактик даво-чораларини ўз вақтида ўтказишга имкон беради (Абдуллаева Д.Д., 2021; Морозова К.В., Луценко Н.Н. 2019). Мамлакатимиздаги тадқиқотлар натижасида, генлар полиморфизмининг ҳомиладорликка таъсири, уларнинг акушерлик ва перинатал асоратлари, одатий ҳомила тушишини келтириб чиқаришдаги роли ўрганилди (Ўринбоева Н.А., 2018; Султонов С.Н., 2018).

Мамлакатимизда, одатий ҳомила тушишининг клиник белгилари, текширув усуллари ва даволашга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Ихтиярова Г.А., 2019; Хафизова Д.Б., 2021). Шунингдек, ёш олимларнинг тадқиқотларида одатий ҳомила тушиши билан асоратланган аёллар саломатлигига эътибор қаратилиб, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор натижаси тиббий ва ижтимоий жиҳатдан таҳлил этилган. Шу билан бирга, кузатувлар Самарқанд вилояти ҳудудида ҳомиладор аёллар орасида одатий ҳомила тушиши, унинг учраши ҳамда самарали ва иқтисодий қулай ташхислаш усуллари ўрганилмаганлигидан далолат бермоқда. Бу эса ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ "Профилактика бўйича янги технологияларни ишлаб чиқиш, инсон касалликларини ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш" мавзуси доирасида бажарилган (2017-2020 й.).

Тадқиқотнинг мақсади молекуляр генетик тадқиқот усуллари ёрдамида одатий ҳомила тушиши профилактикасини ангиогенез (VGFA C634G) ва ксениобиотиклар биотрансформациясининг I (CYP1A1 rs1048943, CYP1A1 rs4646421) ва II (GSTP1 rs1138272) босқич генлари полиморфизмини ўрганиш асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларда акушер-гинекологик анамнез, соматик статус хусусиятларини ўрганиш ва хавф омилларини баҳолаш;

бирламчи ва иккиламчи одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда ангиогенез (VGFA C634G) ва ксениобиотиклар биотрансформациясининг I (CYP1A1 rs1048943, CYP1A1 rs4646421) ва II (GSTP1 rs1138272) босқичларини тартибга солувчи асосий генлар полиморфизмининг тарқалиш кўрсаткичларини ўрганиш;

анамнезида одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда генлар полиморфизмларининг биргаликдаги (CYP1A1+CYP1A1*3+VEGFA+GSTP1) таъсири натижаларини аниқлаш;

анамнезида репродуктив йўқотишлар бўлган беморларда предгравидар тайёргарликда L-аргинин самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятида истиқомат қилувчи, анамнезида одатий ҳомила тушиши бор бўлган 90 та аёл ва оғирлашган акушерлик-гинекологик анамнези бўлмаган 95та шартли соғлом аёл ташкил қилди. Молекуляр-генетик текширув вақтида асосий гуруҳ (n=90) аёллари одатий ҳомила тушиши турига асосланиб, иккита гуруҳга тақсимланди: I-гуруҳни - анамнезида иккиламчи одатий ҳомила тушиши бўлган 64 та аёл, II-гуруҳни - анамнезида бирламчи одатий ҳомила тушиши бўлган 26 та аёл ҳомиладор бўлмаган вақтда ташкил қилди.

Тадқиқотнинг предмети занжирли молекуляр-генетик ва биокимёвий текширувлар учун беморлар қон зардоби ҳамда бачадонни ультратовуш текшируви.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-анамнестик, бачадонни ультратовушли текшириш, занжирли молекуляр- генетик ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда яшовчи аёлларда одатий ҳомила тушишининг молекуляр механизмида ангиогенез VEGFA гени G634C (rs2010963) полиморфизми ва ксениобиотиклар биотрансформациясининг I (CYP1A1 rs1048943, CYP1A1 rs4646421) ва II (GSTP1 rs1138272) босқичини тартибга солувчи асосий генлар полиморфизмининг ҳиссаси аниқланган;

илк бор анамнезида бирламчи ва иккиламчи одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда генлар полиморфизмларининг биргаликдаги таъсири натижалари аниқланган;

ангиогенез гени ва ксениобиотиклар биотрансформациясининг I ва II босқичларини тартибга солувчи генлар полиморфизмини аниқлаш асосида, репродуктив қайта йўқотишларни олдини олиш мақсадида предгравидар тайёрлаш тамойиллари ишлаб чиқилган;

анамнезида одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларда молекуляр-генетик ва лаборатор текширув натижалари асосида, предгравидар тайёргарлик босқичи ва ҳомиладорликнинг биринчи триместрида L-аргинин препаратларини комплекс даво чоралари билан биргаликда қўллаганда, кейинги ҳомиладорликнинг қониқарли кечиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аёлларда репродуктив йўқотишларни ўз вақтида олдини олиш мақсадида, одатий ҳомила тушиши ривожланишини башорат қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар: лаборатор, молекуляр-генетик текширув стандарти ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган;

одатий ҳомила тушиши билан VEGF гени G634C полиморфизми ва GSTP1 гени rs1138272 аллел варианты ўртасида муҳим боғлиқлик борлиги исботланиб, услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

одатий ҳомила тушишида 4 та ноқулай генотипик вариант полиморфизмлари (CYP1A1+CYP1A1*3+VEGFA+GSTP1) комбинациясининг аҳамияти илмий асослаб кўрсатиб берилган;

одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларда молекуляр-генетик ва лаборатор текширув натижалари асосида, предгравидар тайёргарлик босқичи ва ҳомиладорликнинг биринчи триместрида L-аргинин препарати комплекс даво чоралари билан биргаликда қўлланилиб, кейинги ҳомиладорликнинг қониқарли кечишини таъминлаш мақсадида алгоритм дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва замонавий усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, танланган материалнинг етарли миқдордалиги, умумклиник, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончлилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларда анамнестик, молекуляр-генетик ҳолатини аниқлаш натижасида VEGFA генининг G634C (rs2010963) полиморфизми ва ксениобиотиклар биотрансформациясининг I (CYP1A1 rs1048943, CYP1A1 rs4646421) ва II (GSTP1 rs1138272) босқичларини тартибга солувчи генлар полиморфизмининг одатий ҳомила тушиши ривожланишида ҳиссаси борлиги ва репродуктив йўқотишларни эрта ташхислаш ва прогнозлаш, шунингдек коррекцияловчи терапияни ишлаб чиқишда ва аёллар организмни ўрганишга доир акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларни аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий хулосалар, одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларнинг молекуляр-генетик ҳолати ва уни коррекциялаш йўллари амалга оширишда, шунингдек, репродуктив йўқотишларнинг хавfli омилларини эрта ташхислаш, генлар полиморфизми кузатилган аёлларда предгравидар тайёргарлик ўтказиш, ҳомиладорликни такомиллаштирилган алгоритм бўйича олиб бориш, ўз вақтида коррекцияловчи терапия ўтказиш даволаш самарадорлигини оширади ва ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Репродуктив ёшда одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларда молекуляр-генетик ҳолатни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

анамнезида одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларда генетик омиллар ва клиник-анамнестик хавф омилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган алгоритмнинг тарғиботи бўйича «Алгоритм ведения женщин с генетической предрасположенностью на невынашивание беременности» ва «Ҳомила тушишига генетик мойиллиги бўлган аёлларда ҳомиладорликни олиб бориш алгоритми» номли услубий тавсияномалар тасдиқланган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 апрелдаги 8н-р/314-сон маълумотномаси). Олинган натижалар одатий ҳомила тушиши билан асоратланишни эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, лаборатор ташхислашнинг оптимал вариантларини яратишга хизмат қилган;

тадқиқот давомида ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳридаги 3-сонли туғруқ комплекси ва СамДТИ 1-клиникасининг гинекология бўлимлари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 8н-д/182-сон хулосалари). Амалиётга татбиқ этилган натижалар, ҳомиладорлиги одатий ҳомила тушиши билан асоратланган аёлларда, даволаш ва ташхислаш сифатини яхшилаш, касаллик асоратларини ҳамда аёллар ўлимини кўрсаткичларини қисқартиш, даволаш харажатларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари иккита халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Репродуктив йўқотишларнинг генетик жиҳатлари ҳақидаги замонавий тушунчалар»** деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар шарҳида одатий ҳомила тушиши билан асоратланган аёлларда репродуктив йўқотишлар

муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Репродуктив йўқотишлар кўрсаткичларининг замонавий талқини, таснифи, хавф омиллари ва одатий ҳомила тушиши генетик сабабларининг ўзига хос хусусиятлари, репродуктив йўқотишларни олдини олишда предгравидар тайёргарликнинг ахамияти изоҳланган.

Диссертациянинг «**Анамнезида одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларни ўрганиш материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширув материаллари умумий тавсифи келтирилган, текширув усуллари тўлиқ ёритилган.

Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1- сон акушерлик ва гинекология кафедраси ва Самарқанд шаҳар 1 сон туғруқ комплексида 2017-2020 йилларда амалга оширилган.

Аёлларнинг аҳволи анамнез ва клиник маълумотларга кўра баҳоланди. Тадқиқот комплексига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган акушерлик ва гинекологиянинг амалдаги клиник протоколлари доирасида анъанавий клиник, лаборатория текшируви ва инструментал тадқиқот усуллари киритилган. Биз 185 нафар аёлни тиббий кўрикдан ўтказдик, уларни 2 гуруҳга бўлдик: Асосий гуруҳни анамнезида ҳомиланинг одатий тушиши бўлган 90 та аёл ҳомиладор бўлмаган вақтда, назорат гуруҳини эса оғирлашган акушерлик-гинекологик анамнези бўлмаган 95 та шартли соғлом аёл ҳомиладор бўлмаган вақтда ташкил қилди. Қўйилган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда қуйидаги тадқиқот дастури ишлаб чиқилди: клиник-статистик таҳлил; молекуляр-генетик тадқиқот усуллари (ангиогенез генининг VEGFA G634C (rs2010963) полиморфизми ва ксениобиотиклар биотрансформациясининг I (CYP1A1 rs1048943, CYP1A1 rs4646421) ва II (GSTP1 rs1138272) босқич генлари полиморфизми; УТТ текширув усуллари.

Тадқиқотда қатнашган аёлларда қариндошлар ўртасида никоҳ йўқлигига алоҳида эътибор берилди. Асосий гуруҳда наслий анамнез таҳлил қилинганда тромбофилик касалликларга наслий мойиллик (оила аъзоларида инфаркт, инсульт касалликларини эрта ёшда учраши) 10 (11%) нафарни ташкил қилиши аниқланди. Шунингдек зарарли одатлар ўрганилганда, ушбу аёллар турмуш ўртоқларининг 27 (30%) нафарида сигарета чекиш, 25 (27,8%) нафарида алькогол истеъмол қилиш, 34 (37,8%) нафарида нос чекиш қайд этилди. Назорат гуруҳидаги ҳар бешинчи аёл уй бекаси бўлган, бу одатий ҳомила тушиши кузатилган асосий гуруҳ кўрсаткичларга қараганда қарийб 3 баравар кам. Кўп ҳолларда ўз – ўзидан ҳомила тушишига учраган аёллар уй бекалари бўлишган. Шундай қилиб, асосий гуруҳ аёлларининг 57(63,3±5,1%)нафарини, назорат гуруҳининг 18(18,9±4%) нафарини уй бекалари ташкил этди ($p<0,001$). Аёлнинг меҳнат шароитлари ҳомиладорликнинг кечишига таъсир қилади. Сўровлар натижасида назорат гуруҳидаги 8(8,4±2,8%) нафар аёлда, асосий гуруҳда эса 25(27,8±4,7%) нафар аёлда меҳнат фаолияти давомида касбга боғлиқ зарарли омиллар кузатилган (шовқин, тебраниш, кимёвий моддалар ва бошқалар) ($p<0,001$).

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, аёлларнинг ўртача ёши $32,6 \pm 0,33$ ёшни ташкил қилиб, уларнинг ёши 22 ёшдан 44 ёшгача бўлган ораликни ташкил қилди. Таҳлил қилинганда: асосий гуруҳда кўпроқ 25-29 ёшдаги аёллар учраб, $36(40,0 \pm 5,2\%)$ нафарни ташкил қилди ($p < 0,05$). Ортиқча вазн асосий гуруҳ аёлларида - $32(35,6 \pm 5\%)$ нафарда учраб, назорат гуруҳига нисбатан $-18(18,9 \pm 4\%)$ юқори кўрсаткични ташкил қилди ($p < 0,05$). Кам вазнлилик эса асосий гуруҳ аёлларининг $4(4,4 \pm 2,2\%)$ нафарида аниқланди, назорат гуруҳида эса учрамади ($p < 0,05$).

Текширилаётган гуруҳларида ҳайз кўриш функциясини таҳлил қилиш кўйидаги хусусиятларни аниқлади: ҳомиладорликнинг одатий тушиши бўлган аёлларда менархенинг бошланишининг ўртача ёши $13,1 \pm 0,2$ ёшни, аёлларнинг 90% да - 12-14 ёшда бўлганлиги аниқланди. Кечки менархе асосий гуруҳнинг фақат $10(11,1 \pm 3,3\%)$ нафарида қайд этилди ва назорат гуруҳи кўрсаткичларидан - $13(13,7 \pm 3,5\%)$ кам фарқ қилди. Қизиғи шундаки, беморларнинг аксарият қисмида, яъни $75(83,3\%)$ нафарида, $28,3 \pm 0,5$ кун давом этадиган мунтазам ҳайз циклига эга. Менструал цикл давомийлигининг 35 кундан ошиши фақат $11(12,2\%)$ нафар аёлларда кузатилган. Норегуляр ҳайз $4(4,4\%)$ нафарда аниқланди.

Соматик касалликлардан юрак-қон томир тизими касалликларидан гипертоник типдаги қон томир дистонияси асосий гуруҳ беморларида $23(25,6 \pm 4,6\%)$ ва назорат гуруҳига $12(12,6 \pm 3,4\%)$ нисбатан юқори кўрсаткични ташкил қилди, яъни назорат гуруҳига нисбатан икки баробар кўп учради ($p < 0,05$). Варикоз касаллиги ҳам асосий гуруҳ беморларида $15(16,7 \pm 3,9\%)$ назорат гуруҳига $9(9,5 \pm 3\%)$ нисбатан юқори кўрсаткични ташкил қилди. Яъни анамнезида одатий ҳомила тушиши кузатилган аёллар гуруҳида қон босимининг юқори бўлиши ва варикоз касаллиги юқори кўрсаткичларни ташкил қилди. Бу ҳолатни ҳомиладорлик вақтида қон томир тизимидаги ўзига хос ўзгаришлар билан ифодалаш мумкин.

Асосий гуруҳидаги аёлларда юқори нафас йўлларидаги касалликларидан сурункали тонзиллит $27(30 \pm 4,8\%)$ нафарни, сурункали бронхит $24(26,7 \pm 4,7\%)$ нафарни ташкил этди, бу назорат гуруҳи кўрсаткичларига караганда қарийб икки баробар кўпдир ($p < 0,05$).

Овқат хазм қилиш органлари касалликлари таҳлил қилинганда асосий гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасидаги кўрсаткичлар бир-биридан кам фарқ қилди.

Сийдик ажратиш тизимининг касалликларидан сурункали цистит ва сурункали пиелонефрит асосий гуруҳ беморларида ҳаққоний юқори кўрсаткични - $22(24,4 \pm 4,5\%)$ ташкил қилиб, назорат гуруҳига нисбатан $-5(5,3 \pm 2,3\%)$ қарийб тўрт баробар кўп кўрсаткични ташкил қилди ($p < 0,001$). Эндокрин тизим патологиялари таҳлил қилинганда назорат гуруҳига - $8(8,4 \pm 2,8\%)$ нисбатан, анамнезида одатий ҳомила тушиши бўлган, асосий гуруҳ аёлларида $-18(20 \pm 4,2\%)$ қалқонсимон без касалликлари икки мартаба кўп учраши аниқланди ($p < 0,05$). Қандли диабет касаллиги эса назорат гуруҳида учрамади, асосий гуруҳда $9(10 \pm 3,2\%)$ нафарда кузатилиб, ҳаққоний юқори кўрсаткичларни ташкил қилди ($p < 0,001$).

Камқонликнинг ўрта оғир ва оғир даражаси асосий гуруҳда 51(56,7±5,2%) нафарда аниқланиб, назорат гуруҳига қараганда - 17(17,9±3,9%), уч барабар юқори қийматларга эга бўлди.

1-жадвал

Кузатилган аёлларда соматик патологиянинг кўрсаткичлари ва табиати, М±m.

	Асосий гуруҳ, n=90	Назорат гуруҳи, n=95
Юрак қон томир системаси касалликлари:		
Гипертоник типдаги ҚТД	23(25,6±4,6%)*	12(12,6±3,4%)
Гипотоник типдаги ҚТД	18(20±4,2%)	11(11,6±3,3%)
Варикоз касаллиги	15(16,7±3,9%)	9(9,5±3%)
Юқори нафас йўллари касалликлари:		
Сурункали тонзиллит	27(30±4,8%)*	13(13,7±3,5%)
Сурункали бронхит	24(26,7±4,7%)*	14(14,7±3,6%)
Овқат хазм қилиш органлари касалликлари:		
Сурункали гастрит	13(14,4±3,7%)	11(11,6±3,3%)
Сурункали холецистит	11(12,2±3,5%)	8(8,4±2,8%)
Гепатит	7(7,8±2,8%)	6(6,3±2,5%)
Сийлик ажратиш тизими касалликлари:		
Сурункали цистит, пиелонефрит	22(24,4±4,5%)**	5(5,3±2,3%)
Сийдик-тош касаллиги	2(2,2±1,6%)	1(1,1±1%)
Эндокрин тизими касалликлари		
Қалқонсимон без касалликлари	18(20±4,2%)*	8(8,4±2,8%)
Қандли диабет	9(10±3,2%)**	0(0±0%)
Камқонлик	51(56,7±5,2%)**	17(17,9±3,9%)

Изоҳ:

* -p <0,05 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

****-p** <0,001 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди, олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ўрганилиб, хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. $P < 0,05$ ишончлилик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Анамнезида одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларнинг ҳомиладор бўлмаган вақтидаги клиник кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотда қатнашган аёлларнинг ҳомиладор бўлмаган вақтидаги клиник кўрсаткичлари ифодаланган ва анамнезида одатий ҳомила тушиши бўлган аёллар ва ҳомиладорларни олиб бориш алгоритми тасвирланган.

Аёлларнинг шикоятлари таҳлил қилинганда одатий ҳомила тушишидан ташқари, ҳайз циклининг бузилиши, иккиламчи бепуштлик, қорин пастидаги ва бел соҳасидаги оғриқлар, рухий вегетатив бузилишлар каби шикоятлар кўпроқ учради.

Биринчи ташриф вақтида асосий гуруҳ беморларининг 41(45,6±5,2%) нафари жинсий аъзолардан кўп миқдорда ажралмалар келишига, 36(40±5,2%) нафари ҳайз вақтидаги қорин пасти қисмидаги оғриқларга шикоят қилишди ($p < 0,001$). Назорат гуруҳида эса бу шикоятлар қарийб икки марта кам учраб, 19(20±4,1%) нафар аёл жинсий аъзолардан кўп миқдорда ажралмалар келишига, 11(11,6±3,3%) нафар аёл ҳайз вақтидаги қорин пасти қисмида оғриқларга шикоят қилишди. Ҳайзнинг кам миқдорда келиши ҳам назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан - 6(6,3±2,5%), асосий гуруҳда аёлларида- 27(30±4,8%) беш мартаба кўп учради ($p < 0,001$).

Сўровлар натижасида анамнездаги иккиламчи бепуштлик асосий гуруҳ аёлларда 13(14,4±3,7%) нафарда, назорат гуруҳи аёлларида 2(2,1±1,5%) нафарда учраганлиги аниқланди.

Анамнезида одатий ҳомила тушиши натижасида аёллардаги рухий вегетатив бузилишлар (таъсирчанлик, кўп йиғлаш, уйқунинг бузилиши) назорат гуруҳига нисбатан тўрт мартаба кўп кузатилди ва ҳаққоний юқори кўрсаткични ташкил қилди. (Мос равишда асосий гуруҳ-62(68,9±4,9%); назорат гуруҳи- 16(16,8±3,8%), ($p < 0,001$).

Тадқиқотда иштирок этган аёлларнинг асосий шикоятлари, $M \pm m$.

	Асосий гуруҳ, n=90	Назорат гуруҳи, n=95
Жинсий йўллардан кўп миқдорда ажралмалар келиши	41(45,6±5,2%)**	19(20±4,1%)
Дисменорея	36(40±5,2%)**	11(11,6±3,3%)
Олигоменорея	27(30±4,8%)**	6(6,3±2,5%)
Қорин пасти ва бел соҳасидаги оғриқлар	33(36,7±5,1%)*	21(22,1±4,3%)
Иккиламчи бепуштлиқ	13(14,4±3,7%)**	2(2,1±1,5%)
Руҳий вегетатив бузилишлар	62(68,9±4,9%)**	16(16,8±3,8%)

Изоҳ:

- * -p <0,05 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги
 **-p <0,001 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

Гинекологик касалликларни таҳлил қилишда кичик чанок аъзолари касалликларининг кўплиги эътиборни тортди. Қин ва бачадон бўйни кўзгуларда кўрилганда асосий гуруҳда 46(51,1±5,3%) нафар аёлда кольпит ва 53(58,9±5,2%) нафар аёлда цервицит белгилари аниқланди ва назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан юқори кўрсаткичларни ташкил қилди. (Мос равишда 9(9,5±3%); 23(24,2±4,4%)), (p<0,001). Бачадон бўйни эктропиони асосий гуруҳда, назорат гуруҳига нисбатан бир оз юқори кўрсаткични ташкил қилди (Мос равишда 35(38,9±5,1%); 24(25,3±4,5%)), (p<0,05). Кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликларининг бундай юқори кўрсаткичи сабаби бўлиб, жинсий йўл орқали бирламчи инфекциянинг юқиши ва яна ҳомиладорликнинг эрта тушиши кузатилган аёлларда диагностик ва терапевтик мақсадларда амалга ошириладиган бачадон ичи манипуляциялари натижасида бўлиши мумкин.

Тадқиқотда иштирок этган аёлларда аниқланган гинекологик касалликлар, $M \pm m$.

Патологик ўзгаришлар	Асосий гуруҳ, n=90	Назорат гуруҳи, n=95
Кольпит белгилари	46(51,1±5,3%)**	9(9,5±3%)
Сурункали цервицит	53(58,9±5,2%)**	23(24,2±4,4%)
Бачадон бўйнининг электрокоагуляциядан кейинги чандикли деформацияси	6(6,7±2,6%)	4(4,2±2,1%)
Бачадой бўйни эндометриози	8(8,9±3%)	4(4,2±2,1%)
Бачадон бўйни эктропиони	35(38,9±5,1%)*	24(25,3±4,5%)

Изоҳ:

* -p <0,05 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

** -p <0,001 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

Сурункали эндометрит асосий гуруҳда 19(29,7±5,7%) нафарда, назорат гуруҳида эса 8(8,4±2,8%) нафарни ташкил қилган. Яъни назорат гуруҳига нисбатан беморлар гуруҳи кўрсаткичи қарийб уч марта кўп қийматни ташкил қилди. Тухумдон ўсмалари асосий гуруҳда 16(25±5,4%) нафарда аниқланиб, назорат гуруҳига нисбатан - 11(11,6±3,3%), қарийб икки марта кўп кузатилган.

Бимануал кўрик вақтида бачадон ортиқлари соҳасидаги патологик белгилар (сезувчанликнинг юқори бўлиши, оғрик) асосий гуруҳ аёлларининг 23(24,2±4,4%) нафарида, назорат гуруҳ аёлларининг 24(25,3±4,5%) нафарида кузатилиб, олинган кўрсаткичлар бир биридан кам фарқ қилди.

**Тадқиқотда қатнашган аёллар анамнезидаги жинсий аъзоларда
ўтказилган операциялар, М±m.**

	Асосий гуруҳ, n=90	Назорат гуруҳи, n=95
Тубэктомия (най ҳомиладорлиги сабабли)	2(2,2±1,6%)	1(1,1±1%)
Кесар кесиш	17(18,9±4,1%)	11(11,6±3,3%)
Бачадон бўйнининг электрокоагуляцияси	4(4,4±2,2%)	3(3,2±1,8%)
Кистэктомия	2(2,2±1,6%)	2(2,1±1,5%)

Изоҳ:

* -p <0,05 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

** -p <0,001 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

Репродуктив касалликларнинг муаммолари билан шуғулланадиган кўплаб тадқиқотчилар фикрича, биринчи ҳомиладорлик туғруқ билан эмас, ҳомила тушиши билан яқунланганда, яъни бирламчи ҳомила тушиши кузатилганда, кейинги ҳомиладорликларнинг оқибати салбий бўлади. Шу муносабат билан биз тадқиқотдаги барча аёлларнинг биринчи ҳомиладорлиги натижаларини таҳлил қилдик. Асосий гуруҳ аёлларининг анамнези таҳлил қилинганда, бирламчи одатий ҳомила тушиши 26(28,9%) нафарда, иккиламчи одатий ҳомила тушиши 64(71,1%) нафарда аниқланди. Иккала гуруҳдаги ҳомиладорликлар сони таҳлили қилинганда куйидаги кўрсаткичлар аниқланди: Асосий гуруҳ аёлларида 3 марта ҳомиладор бўлганлар 25(27,8±4,7%) нафарни (p<0,001), 4 марта ҳомиладор бўлганлар 33(36,7±5,1%) нафарни (p<0,001), 5 марта ҳомиладор бўлганлар 13(14,4±3,7%) нафарни, 6-10 марта ҳомиладор бўлганлар 19(25,0±3,9%) нафарни ташкил қилган (p<0,05).

5-жадвал
Одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда ҳомиладорликлар сони, М±m.

Сони	Асосий гуруҳ, n=90	Назорат гуруҳи, n=95
1	0(0±0%)**	10(10,5±3,1%)
2	0(0±0%)**	15(15,8±3,7%)
3	25(27,8±4,7%)**	49(51,6±5,1%)
4	33(36,7±5,1%)**	13(13,7±3,5%)
5	13(14,4±3,7%)	6(6,3±2,5%)
6	4(4,4±2,2%)	2(2,1±1,5%)
7	6(6,7±2,6%)*	0(0±0%)
8	7(7,8±2,8%)*	0(0±0%)
9	0(0±0%)	0(0±0%)
10	2(2,2±1,6%)	0(0±0%)

Изоҳ:

- * -p <0,05 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги
 **-p <0,001 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

Иккала гуруҳ аёлларида туғруқлар сонини таҳлил қилиб қуйидаги натижаларга эришдик: Асосий гуруҳ аёлларининг 26 (28,9±4,8%) нафарида ҳомиладорлик муддатининг 22 ҳафталикгача ҳам етмаганлиги жадвалда ифодаланган яъни умуман фарзанди йўқлиги аниқланди (p<0,001). Назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 0 га тенг. Бу кўрсаткичлар ҳомила тушишини долзарб масала эканлигини яна бир бор исботлайди.

6-жадвал**Одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда туғруқлар сони, $M \pm m$.**

Сони	Асосий гуруҳ, n=90	Назорат гуруҳи, n=95
0	26(28,9±4,8%)**	0(0±0%)
1	29(32,2±4,9%)*	16(16,8±3,8%)
2	21(23,3±4,5%)	23(24,2±4,4%)
3	12(13,3±3,6%)**	41(43,2±5,1%)
4 ва ундан кўп	2(2,2±1,6%)**	15(15,8±3,7%)

Изоҳ:

* -p <0,05 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги

**-p <0,001 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги

Тадқиқот гуруҳидаги аёлларда ҳомила тушиши таҳлил қилинганда ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши ва ривожланмаган ҳомиладорликларга ажратиб ўрганиб чиқилди. Бу иккала жадувал таҳлилида асосий гуруҳ аёлларида, назорат гуруҳига нисбатан ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши ва ривожланмаган ҳомиладорликлар сони кескин фарқ қилиши аниқланди, яъни асосий гуруҳ аёлларида ушбу кўрсаткичлар яққол устунлик қилди.

7-жадвал**Одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши сони, $M \pm m$.**

Сони	Асосий гуруҳ, n=90	Назорат гуруҳи, n=95
1 марта	11(12,2±3,5%)	6(6,3±2,5%)
2 марта	11(12,2±3,5%)**	0(0±0%)
3 ва ундан кўп	4(4,4±2,2%)*	0(0±0%)

Изоҳ:

* -p <0,05 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги

**-p <0,001 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги

8-жадвал

Одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда ривожланмаган
хомиладорликлар сони, $M \pm m$.

Сони	Асосий гуруҳ, n=90	Назорат гуруҳи, n=95
1	6(6,7±2,6%)	4(4,2±2,1%)
2	43(47,8±5,3%)**	0(0±0%)
3	17(18,9±4,1%)**	0(0±0%)
4	5(5,6±2,4%)*	0(0±0%)
5ва ундан кўп	5(5,6±2,4%)*	0(0±0%)

Изоҳ:

* -p <0,05 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

**-p <0,001 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

Ҳомиладорликларининг тушиш муддати асосий гуруҳ аёлларида 12 ҳафталикгача 87(96,7±1,9%) нафарда, 12 ҳафталикдан кейин 27(30±4,8%) нафарда, муддатидан олдинги туғруқ эса 16(17,8±4%) нафарда кузатилди, назорат гуруҳи аёлларида эса 12 ҳафталикгача 6(6,3±2,5%) нафарда, 12 ҳафталикдан кейин 4(4,2±2,1%) нафарда, муддатидан олдинги туғруқ эса 6(6,3±2,5%) нафарда кузатилиб, асосий гуруҳ кўрсаткичлари ҳаққоний юқори эканлиги аниқланди ($p < 0,001$). Бу жадвалдаги кўрсаткичлар одатий ҳомила тушишининг асосий қисми 12 ҳафталик муддатгача бўлишини яна бир бор тасдиқлади.

9-жадвал

Одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда ҳомиладорликларнинг тушиш
муддати, $M \pm m$.

Муддати	Асосий гуруҳ, n=90	Назорат гуруҳи, n=95
12 ҳафталикгача	87(96,7±1,9%)**	6(6,3±2,5%)
12 ҳафталикдан кейин	27(30±4,8%)**	4(4,2±2,1%)
Муддатидан олдинги туғруқ	16(17,8±4%)*	6(6,3±2,5%)

Изоҳ:

* -p <0,05 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

**-p <0,001 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

Урогенитал инфекциялар назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан асосий гуруҳ аёлларида юқори кўрсаткичларни ташкил этди. Асосан

носпецифик кокклар, *Candida albicans* ва нисбатан кам миқдорда *Chlamidia trachomatis*, *Trichomonas vaginalis*, бактериал вагиноз аниқланди.

Маълумки, турли хил эндокринопатиялар, юқумли омиллар, бачадон ичидаги такрорий манипуляциялар хайз даврига нисбатан эндометрийнинг қаватининг тузилишидаги ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин. Шу муносабат билан, бластоциста имплантациясидан олдин эндометрийни ноинвазив текшириш муҳим аҳамиятга эга. Эндометрийнинг қон томир тизимининг шаклланишини бузилиши, таркибий ўзгаришлар билан бирга келади; бластоциста имплантацияси учун шароитлар сезиларли даражада камаяди. Биринчи вариантда эндометрийнинг қалинлиги преимплантация стандартларига тўғри келди ва ўртача $10,9 \pm 0,2$ мм ни, иккинчи вариантда эндометрийнинг қалинлиги $6,8 \pm 0,2$ ммни ташкил қилди, ингичка эндометрий ($6,0 \pm 0,4$ мм) эса учинчи вариантда кузатилди. Нормал эндометрий асосий гуруҳда 20($22,2 \pm 4,4\%$) нафарда, назорат гуруҳида 82($86,3 \pm 3,5\%$) нафарда кузатилиб, асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан тўрт маротаба кам кўрсаткични ташкил қилди ($p < 0,001$). Ингичка эндометрий эса асосий гуруҳда 44 ($68,7\%$) нафарда, назорат гуруҳига нисбатан тўрт баробар кўп учради.

Эндо метрий патологияларининг УТТ белгилари, $M \pm m$.

	Асосий гуруҳ, n=90	Назорат гуруҳи, n=95
М-эхо қалинлиги 10,9±0,2 мм	20(22,2±4,4%)**	82(86,3±3,5%)
М-эхо қалинлиги 6,8±0,2мм	26(28,9±4,8%)**	9(9,5±3%)
М-эхо қалинлиги 6,0±0,4мм	18(20±4,2%)**	4(4,2±2,1%)

Изоҳ:


- * -p <0,05 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги
 **-p <0,001 I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

Биз тадқиқотимиз давомида қон томир эндотелийси ўсиш фактори - (VEGF) генининг 634 С/Т полиморфизмини одатий ҳомила тушишидаги ўрнини ўргандик ва бачадондаги гемодинамик бузилишларни таҳлил қилиш мақсадида предгравидар тайёргарлик босқичида бачадон қон томирларининг доплерометрияси текшируви ўтказилди. Допплерометрия бу эндо метрий ва миометрийнинг катта ва кичик қон томирлардаги гемодинамиканинг ҳолатини аниқлаш усулидир. Бачадон қон томирларини комплекс текшириш ҳайзининг иккинчи босқичида яъни 28 кунлик циклнинг 19-24 кунлари, орал контрацепция воситалари қабул қилинмаган вақти текширилди. Текширишлар натижасида беморлар гуруҳида стандарт УТТ ёрдамида аниқланмаган патологиялар доплерометрия текшируви натижасида аниқланди – яъни бачадон ишемияси кузатилди. Ёйсимон(Аа), радиал(Ра), бачадон артерияси(Ма) даги пульсацион индекс(ПИ), резистентлик индекси(ИР), систолодиастолик(С/Д) муносабатлар ўрганилди.

Тадқиқот натижасида эндо метрийдаги патологик ўзгаришларнинг 3та асосий варианты ва бачадон томирларида қон оқимининг табиати аниқланди: эндо метрий ҳолатининг нормал УТТ кўрсаткичлари ва қон оқимининг пасайиши кузатилди (44%), қон оқимининг меъёрий кўрсаткичлари ва эндо метрий гипоплазияси (30%) ва гипоплазия ва қон оқимининг пасайиши (25%) қайд этилди.

Анамнезида одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда предгравидар даврдаги бачадон доплерометрияси натижалари, $M \pm m$.

	Асосий гуруҳ, n=90			Назорат гуруҳи, n=95		
	С/Д	ИР	ПИ	С/Д	ИР	ПИ
Ўнг бачадон артерияси	9,23 ±0,87	0,87±0,01	2,77±0,16	7,42±1,13	0,84±0,01	2,42±0,22
Чап бачадон артерияси	8,33±0,69	0,86±0,01	2,52±0,15	7,32±1,14	0,85±0,01	2,42±0,21
Аа	4,13±0,17	0,75±0,01	1,61±0,065	3,63±0,26	0,71±0,01	1,40±0,14
Ра	3,06±0,08	0,65±0,01	1,26±0,04	2,64±0,25	0,61±0,02	1,05±0,15




а

б

1. Расм. Ультратовушли ангиография ёрдамида бачадон қон томирларини текшириш (а-нормада бачадонда қон томирлар бир хил тарқалган, б-қон айланиши бузилган бачадон)

Анамнезида одатий хомила тушиши бўлган аёлларни олиб бориш алгоритми



Диссертациянинг «Одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда репродуктив йўқотишларнинг генетик асослари» деб номланган тўртинчи бобида қайд этилган гуруҳлардаги гени полиморфизмини аҳамияти ва натижалари батафсил баён этилган.

Анамнезида бирламчи ва иккиламчи одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда, (VGFA 634) гени полиморфизмини аҳамиятини ўрганиб чиқдик. Барча аёллардан ДНК ажратиб олинди ва ангиогенез генининг полиморфизми (VGFA 634) ПЦР диагностикаси билан ўрганилди. Статистик тадқиқотлар усуллари ёрдамида ўртача қийматларни ҳисоблаш, стандарт хато, Студент т-критерийси, корреляцион боғлиқлик, сезгирлик, ўзига хослик ва турли тестларнинг прогностик аҳамиятини ҳисоблаш амалга оширилди. Умуман олганда бизнинг маълумотларимиз, замонавий адабиётларнинг такрорий ҳомиладорликнинг тушиш патогенезида VEGFA генидаги G634C полиморфизми ўрнини тасдиқлади. ОХТ ривожланиш хавфи ва VEGF гени rs2010963 полиморфизми ўртасида сезиларли боғлиқлик аниқланди. Ушбу геннинг 634 G аллел варианты ОХТ ривожланишини ориши билан, 634 C варианты эса ОХТ ривожланиш хавфи камайиши билан боғлиқлиги аниқланди.

Ҳомиладорликнинг эрта босқичларида одатий ҳомила тушиши билан GSTP1 гени Ala114Val (rs1138272) полиморфизми ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилдик. GSTP1 генидаги Ala114Val полиморфизмининг натижалари беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатди. GSTP1 генининг Ala114Val полиморфизми ҳомила тушишида перинатал асоратларни ривожланишини башорат қилишда аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Атроф-муҳитнинг ксенобиотикларига инсоннинг индивидуал муносабати детоксикация ферментларининг генлари томонидан бошқарилади. Ҳомиладорликнинг эрта босқичларида одатий ҳомила тушиши билан CYP1A1 гени Ile 462 Val (rs1048943) полиморфизми ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилдик.

Шундай қилиб, CYP1A1 генининг Ile462Val полиморфизмини ўрганишимизда геннинг ҳомила тушиши билан ассоциациясида статистик жиҳатдан аҳамиятсиз фарқлар олинган. Юқоридаги маълумотларга асосланиб хулоса қилишимиз мумкинки, ҳомиладорликни такрорий тушишида CYP1A1 генининг rs4646421 полиморфизмининг мустақил ҳиссаси атроф-муҳит омилларининг дозасига ва ҳомиладорлик патологиялари ва ҳомиланинг ривожланиш нуқсонларининг айрим турларига мойиллигига боғлиқ.

Бундан ташқари, ҳомиладорликнинг эрта босқичларида одатий ҳомила тушиши билан CYP1A1 гени C6310T (rs4646421) полиморфизми ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилдик.

Олинган маълумотларга асосланиб, ҳомила тушишида CYP1A1 генининг rs4646421 полиморфизмининг мустақил ҳиссаси деярли аҳамиятсиз деган хулосага келишимиз мумкин. Аёлларда CYP1A1 ген аллелларининг, ҳомиладорлик патологиясининг айрим турларига мойиллигини ва ҳомила

